

БАНК АЖБОРОТНО МАЪНА

БАНК ХОДИМЛАРИ, ИШБИЛАРМОНЛАР ВА ТАДБИРКОРЛАР ГАЗЕТАСИ

www.finance.uz

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№ 2 (609) 2008 йил 9 январ

ТОШКЕНТДА ЯНГИ БАНК ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки «Invest Finance Bank» (Тошкент ш.) хусусий очик акциядорлик-тижорат банкига банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини тақдим қилувчи лицензия берди ва уни тижорат банкларини рўйхатга олиш давлат китобига қайд этди.

Устав капитали 3120 млн. сўм миқдорда белгиланган ва унинг 51 фоизи жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисоби-га таркиб топган янги банкнинг очилиши мамлакат Президентининг «Хусусий акциядорлик-тижорат банклари тузишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони талабларининг изчил амалга оширилаётгани тасдиғидир.

«Invest Finance Bank» ўзининг устувор йўналишини йжтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, кичик ва ўрта бизнесни молиялаш, мамлакатимизда янги мулкдорлар синфини шакллантиришга қаратмоқда.

ЛИЦЕНЗИЯЛАР АЛМАШТИРИБ БЕРИЛДИ:

«Хамкорбанк»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан «Хамкорбанк» акциядорлик-тижорат банкнинг номи «Хамкорбанк» очик акциядорлик-тижорат банкига ўзгарганлиги муносабати билан унга банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия ва чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия бланклари алмаштириб берилди.

«Туронбанк»

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарори билан «Турон» акциядорлик-тижорат банкнинг номи «Турон» очик акциядорлик-тижорат банкига ўзгарганлиги муносабати билан унга банк операцияларини амалга ошириш учун берилган лицензия ва чет эл валютасидаги операцияларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи Бош лицензия бланклари алмаштириб берилди.

Марказий банк
Ахборот хизмати.

МИЛЛИЙ БАНККА – MOODY'S РЕЙТИНГИ

Moody's рейтинг агентлиги Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига юқори халқаро кредит рейтингини берди.

Банк рейтинг мустақил экспертларнинг рақамлар ва фактларга асосланган баҳоси бўлиб, банкнинг молиявий барқарорлигини белгилайди, обрўли ташкилотнинг фикри асосида банкнинг ривожланиши таъминини кузатиш, ҳамкорлик истиқболларини белгилаш имконини беради.

Шундай қилиб, энг йирик рейтинг агентлигидан бири томонидан берилган рейтинг чет эллик инвесторлар учун инвестицияларни амалга ошириш, хатарларни баҳолаш ҳамда капитал маблағлар ҳажмини белгилаш чоғида шерик банкни танлашда мўлжал бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги кунгача Moody's агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Миллий банкига қуйидаги халқаро рейтинглар берилган:

* Миллий валютадаги депозитлар рейтингини Ва3 (барқарор)

* чет эл валютасидаги депозитлар рейтингини В 3 (барқарор)

* банкнинг молиявий барқарорлиги рейтингини (BFSR) E+ (барқарор).

Moody's га мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг рейтингини активларининг катталиги, сармоясининг миқдори ва кредит портфелининг ҳажми жиҳатидан (тегишлича, бозор умумий ҳажмининг 40 фоизи, 46 фоизи ва 44 фоизи) устунликка

эга бўлган Ўзбекистон банк бозоридаги кучли мавқеини, шунингдек банкнинг мамлакатга чет эл инвестицияларини жалб этиш ва уларни бошқаришдаги, шунингдек ташқи савдо операцияларига хизмат кўрсатишдаги етакчи ролини ҳисобга олганда унинг Ўзбекистон иқтисодиёти учун гоят катта аҳамиятини акс эттиради.

Агентлик фикрича, «Ўзбекистонда иқтисодий ва оператив муҳитнинг ижобий ривожланиши ҳам маҳаллий, ҳам чет эл валютасидаги рейтингларга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин».

Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банки лойиҳани молиялаш банки, универсал тижорат, инвестиция ва жамғарма банклари вазифаларини оптимал тарзда боғлаб, барқарор ва жўшқин ривожланаётган профессионал молиявий институт сифатида ўзини кўрсатди.

Фаолият доирасининг кенглиги, халқаро стандартлар даражасида хизмат кўрсатиш имконини бераётган замонавий банк технологияларининг ривожланганлиги шериклар ва мижозлар сони бир текис кўпайишга ёрдам бермоқда. Ҳозирги вақтда ЎзР ТИФ Миллий банки The Banker журнали рейтингини бўйича дунёнинг 1000та энг йирик банклари жумласига қиради.

(Охири 2-бетда).

НУКУСДА МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТИ ОЧИЛДИ

«Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги Қонуннинг 9-моддасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки устав капитали 13 млн. 215 минг сўм бўлган «Najot Faiz Nukus» масъулияти чекланган жамиятга (Нукус шахри) микрокредит ташкилоти фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия берди.

Янги микромолиявий ташкилот мижозларга микрокредит ва микроқарзлар, жумладан истеъмол кредитлари ажратиш, микролизинг ва бошқа турдаги микромолиявий, маслаҳат ва ахборот хизматлари кўрсатиш билан шуғулланади.

Марказий банк Ахборот хизмати.

ТАДБИРКОРЛИК – ФАРОВОН ТУРМУШ АСОСИ

БУНИ «МИКРОКРЕДИТБАНК» ЎЗ ФАОЛИЯТИНИНГ ШИОРИГА АЙЛАНТИРМОҚДА

«Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банки ўз фаолият йўналишидан келиб чиқиб, юртимиздаги тадбиркорлик субъектларини фаол молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳолини кенг турдаги банк хизматлари билан таъминлашга эришиб келаяпти. Бунга жорий йилнинг 1 январ ҳолатига келиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғи вакилларига кўрсатилган имтиёзли микрокредит ва микролизинг хизматлари миқдори 39 млрд. 591 млн. сўмни ташкил этгани ҳам ёрқин мисол бўла олади.

- Юртимиз раҳбарияти томонидан «Ижтимоий ҳимоя йили»да белгилаб берилган чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан мазкур молия муассасаси 6 минг 408 та кам таъминланган оилага қора мол харид қилиб олиш учун 6 млрд. 217 млн. сўмлик микрокредитлар ажратди, - дейди «Микрокредитбанк» АТБнинг

кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш департаменти бўлим бошлиғи Алишер Суюмов. - Шунингдек, мамлакатимиз Президентининг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонидан келиб чиққан ҳолда «Микрокредитбанк», жорий йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш учун 16 млрд. 554 млн. сўмлик молиявий маблағ йўналтирган.

Банк, шу билан, бирга бугун долзарб йўналишлардан саналган хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бу йўлда 2007 йил давомида мазкур тармоқ вакиллари учун 7,6 млрд. сўмлик микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатилган.

(Охири 2-бетда).

БУ СОНДА:

4-6

Даромадим кўпайсин, десангиз...

7

Минтақалардан хабарлар

8

Биржа бозорлари янгиликлари

ЧЕТ ЭЛ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН КУРСИ


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2008 йил 8 январдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари	1136,93
1 Англия фунт стерлинги	2566,76
1 Дания кронаси	254,91
1 БАА дирҳами	351,82
1 АҚШ доллари	1291,97
1 Миср фунти	234,90
1 Исландия кронаси	20,74
1 Канада доллари	1307,40
1 Хитой юани	177,31
1 Кувейт динори	4732,49
1 Россия рубли	52,63
1 Украина гривнаси	255,84
100 Ливан фунти	85,58
1 Малайзия рингити	391,51
1 Норвегия кронаси	239,59
1 Польша злотийси	527,79
1 Сингапур доллари	899,20
1 СДР	2041,67
1 Туркия лираси	1105,10
1 Швеция кронаси	201,97
1 Швейцария франки	1152,52
1 ЕВРО	1899,45
10 Жанубий Корея вони	13,79
10 Япония иенаси	116,93

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

АҚШ ДОЛЛАРИ ВА ЕВРОНИНГ ВАКОЛАТЛИ БАНКЛАР ТОМОНИДАН АЙРИБОШЛАШ ШОХОБЧАЛАРИДА 2008 ЙИЛ 8 ЯНВАР ҲОЛАТИГА ЎЗБЕК СЎМГА НИСБАТАН ЖОРИЙ ЭТИЛГАН КУРСИ

Банк номи	АҚШ доллари		Евро	
	Харид	Сотиш	Харид	Сотиш
ЎзР ТИФ МБ	1301,00	1303,00	1900,00	1920,00
"Асака" банки	1301,00	1303,00	1900,00	1905,00
"Узсаноатқурилишбанк"и	1302,00	1304,00	1900,00	1910,00
"Пахта Банк"	1301,00	1303,00	1910,00	1915,00
"Халқ банк"и	1301,00	1303,00	1900,00	1912,00
"Ипотекабанк"	1302,00	1304,00	1905,00	1910,00
АБН АМРО банк МБ Ўзбекистон А.Ж.	1301,00	1304,00	1913,00	1919,00
"UzKDBбанк"	1301,00	1304,00	1900,00	1911,00
"Галлабанк"	1302,00	1304,00	1900,00	1909,00
"Трастбанк"	1301,00	1303,00	1900,00	1910,00
"Алп Жамол банк"	1301,00	1303,00	1910,00	1916,00
"Алоқабанк"	1302,00	1304,00	1900,00	1929,00
"У-Т банк"	1301,00	1304,00	1900,00	1925,00
"Туронбанк"	1301,00	1303,00	1899,00	1909,00
Ўзбекистон-Германия "Савдогар" АТБ	1301,00	1304,00	1900,00	1920,00
"Ипак йўли" банки	1302,00	1304,00	1914,20	1917,14
"Микрокредитбанк"	1302,00	1304,00	1914,00	1917,00
"Туркистон" банк	1301,00	1304,00	1900,00	1910,00
"Даврбанк"	1301,00	1303,00	1899,00	1915,00
"Кредит-Стандарт" банки	1302,00	1304,00	1899,50	1927,00
"Капитал банк"	1302,00	1304,00	1899,50	1927,00
"Хамкорбанк"	1301,00	1303,00	1850,00	1950,00
"Универсалбанк"	1301,00	1304,00	1912,00	1917,00
"Парвинабанк"	1301,00	1304,00	1902,00	1905,00
"Равнақбанк"	1301,00	1304,00	1900,00	1920,00



ЖУШҚИН ҲАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ.

Йил боши молия институтлари учун аънавий тарзда ўтган йилдаги фаолият якунларини чиқариш ва келажак режаларини белгилаб олиш вақти бўлади. «Алп Жамол банк» ютуқлари ва режалари ҳақида банк бошқарувининг раиси Ҳамидулло Носирович НАСРУЛЛАЕВ мухбиримизга сўзлаб берди.

«Алп Жамол банк» Ўзбекистон Республикаси банк тизими таркибидан 1998 йилдан бери ўз фаолиятини амалга ошириб ва муваффақиятли ривожланиб келмоқда. Банк Ўзбекистоннинг молия бозорида тўққиз йил мобайнида бенуқсон ишлаб, ўз тараққиёт стратегиясини тўғри танлаб олганлигини исбот қилди. Банк ходимларининг юксак малакаси шерикчилик муносабатлари ишончли ва барқарор эканлигининг кафили бўлиб хизмат бўлмоқда. «Алп Жамол банк» тўғри танлаб олинган, изчил молиявий сиёсат, маданиятли бизнес юритиш кадрларига садоқати туфайли ишончли шерик деган номини сақлаб қолди. Шериклар билан мумкин қадар очиқ иш юритиш сиёсати мижозларининг тадбиркорлик фаолиятини таъминлаш учун молиялаш ҳажмларини анча кенгайтириш имконини берди.

Банк ўзининг миқдор ва сифат кўрсаткичларини йилдан-йилга анча ошириб бормоқда. Ўзбекистоннинг молия бозоридagi фаолияти мобайнида банкнинг республиканинг турли минтақаларида тармоқларини анча кенгайтирди. Чунончи, ҳозирги кунда банк таркибидан 4 филиал, 20 та минибанк, шу жумладан Тошкент шаҳрида 8 та минибанк, 33 та халқаро пўл жўнатиш пункти, 15 та ихтисослаштирилган касса, 12 та чет эл валютасини алмаштириш пункти ишлаб турибди.

2007 йил банк фаолияти учун ўта муваффақиятли бўлди. Ўтган йили «Алп Жамол банк» катта сакраш қилиб, ўз бизнесининг кўламини кенгайтирди ва барча асосий кўрсаткичларнинг юқори суръатларда ўсишини таъминлади. 2006 йил кўрсаткичларига қараганда, фойда, баланс валютаси, кредит ва инвестиция портфели ҳажми анча ошди.

Маълумки, активларнинг миқдор ва сифат ҳолати — кредит институтини ривожлантиришнинг асосий омилidir. Банкнинг глобал молиявий ҳолати ана шу активларнинг ўсиши ва сифатига, даромадлиги ва ликвидлигига боғлиқ, шу сабабли фаолият даврида банкнинг асосий ва устувор вазибаларидан бири активларнинг ўсишини, уларнинг таркиби ликвидлик, хатар ва даромадлилик нуқтаи назаридан оптимал бўлишини, шунингдек уларни шакллантириш манбалари адекват бўлишини таъминлашдан иборат бўлди. Банкнинг соф активлари 2007 йил 11 ойи ичида 1,8 баробар, устав сармояси 2,7 баробар, умумий сармояси 2 баробар ўсди. Банк ссуда портфели ҳажмининг ўсиши 177 фоизни ташкил қилди. Банк соф фойдаси 2007 йилда бир йил олдинги кўрсаткичга қараганда 2 баробар кўпайди ва 2007 йил 1 декабр ҳолатига 3,0 млрд. сўмга етди. Бизнес юритишга пухта ўйлаб ёндашилгани ҳамда корпоратив бошқарувнинг асосий принципларига риоя қилингани туфайли ана шундай молиявий натижага эришиш мумкин бўлди. Банк фаолиятининг самарадорлигини билдирувчи кўрсаткичларида ҳам ижобий динамика намоён бўлди. Чунончи, активларнинг рентабеллиги (ROE) 2007 йил 11 ойи ичида 4,2 фоиздан 5,0 фоизгача кўпайди, сармоянинг рентабеллиги (ROE) 32,4 фоиздан 40,3 фоизга етди.

ҲАР БИР МИЖОЗ ЭЪТИБОРДА

Бозордаги вазиятнинг кундалик ўзгаришларига ҳамда мижозларнинг эҳтиёжларига ўз вақтида, адекват ва самарали муносабат билдириш «Алп Жамол банк» мижозлар базасининг турли соҳаларга ҳамда мулк шакллари га мансуб корхоналар ҳисобига кенгайтиришга ёрдам берди. Ҳозирги вақтда мижозлар сони 10,5 минг юридик ва

ҳисмоний шахсдан ошиб кетди.

Мижозлар умумий сонининг 60 фоиздан ортиқроғини хусусий корхоналар ва ширкатлар, шунингдек яқка тадбиркорлар ташкил этмоқда. Бу омил банкнинг рақобатбардошлиги юқори эканлигидан далолат беради. Ўзбекистон товар ишлаб чиқарувчилари ва тадбиркорлари вакилларининг ушбу тоифалари молиявий хизматлар бозори конъюктурасига биринчилардан бўлиб муносабат билдирди, бинобарин, бундай мижозларнинг кўпайиши ёки камайиши банк учун қабул қилинган тариф сиёсати оқилона ва ҳаммабон эканлигининг кўрсаткичлари бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон тижорат банклари ўртасида рақобат халқаро молия бозорининг янги воситаларини тўхтовсиз жорий этишга, тариф сиёсати мувозанатли бўлишига, таклиф қилинаётган хизматлар доирасини доимий равишда кенгайтириб боришга рағбатлантирмоқда.

«Алп Жамол банк» ўз мижозларининг хулқ-атвори ва асосий фаолият йўналишларига қараб уларга хизмат кўрсатишда алоҳида ёндашувларни белгиллади. Турли тоифадаги мижозлар талабларини қондириш учун кўпчилик мижозлар томонидан талаб қилинадиган унификацияланган пакет таркибидagi хизматлар таклиф қилинади ёки, зарур бўлса, алоҳида хизмат кўрсатилади. Бундай хизмат ҳар бир мижоз фаолиятининг ўзига хослигини инобатга олади.

2007 йилда банкнинг нарх сиёсати мижоз фаолиятининг соҳасини, бизнеси хусусиятини ҳисобга олган ҳолда юритилди, минтақаларнинг хусусиятлари ҳамда мижознинг маҳсулот етказувчилар ва истеъмолчилар билан ўзаро шерикчилик муносабатлари қандай тузилганлиги ҳисобга олинди. Банк нарх сиёсатининг асосий тамойили пировард молиявий натижадан ҳамда мижозлар билан муносабатларнинг самарадорлигидан иборатдир. Ўтган йилда банк томонидан банк хизматларнинг асосий турларига тариф белгилашда даражаланган тизим ишлаб чиқилди. Бу эса охирикунда мижозлар базаси ҳамда тарифлар ва улар бўйича воситачилик ҳақлари пасайишига қарамай ҳисоб-китоб — банк хизматини кўрсатишдан келадиган даромадлар ўсишига ёрдам бермоқда. Биргина 2007 йилнинг ўзида банк амалга оширган ҳисоб-китоб операцияларидан олинган даромад ўтган йилга қараганда 1,5 баробар ошди.

КРЕДИТНИНГ СИФАТИ МУҲИМ

Ўтган йил мобайнида «Алп Жамол банк» 2007 йил учун белгиланган кредит сиёсатининг асосий мақсадларига эришди. Шулардан энг муҳимлари бозордаги даромадлилик даражасига риоя этган ҳолда кредит портфели ҳажмларини кенгайтиришдан, кредит хатарларини камайтиришдан, кредит операциялари бўйича фоизсиз даромадлар ҳажминини кўпайтиришдан иборат.

Берилаётган ссудалар сифати яхши бўлган ҳолда кредитлаш ҳажмларининг ошиши ушбу фаолият йўналишининг юқори даромадларини таъминлади. 2007 йил 11 ойи мобайнида банк томонидан кредитлар беришдан 3,5 млрд. сўм миқдоридан даромад олинди.


Кредит қўйилмалари ҳажми ўсиши кредит портфелини қўллаб-қувватлаш ҳисобига ҳам таъминланди.

Банк кредит портфелининг тармоқлар бўйича тузилиши етарли даражада мувозанатлидир. Чунки у қўйилмалар бирон-бир алоҳида тармоқни ривожлантиришга қаратилишини назарда тутмайди. Тармоқлар бўйича устулик савдога, sanoatга ва қурилишга берилади. 2007 йилда кредит портфелининг географик тузилиши анча кенгайтирилди.

ЧАКАНА БОЗОР СЕГМЕНТИДА

Сўнги йилларда Ўзбекистонда бозорнинг чакана сегменти жадал суръатлар билан ўсди. Кенг филиаллар тармоғига, қўшимча офислар, операциялар кассалари, халқаро пўл жўнатиш бўйича миниофислар ҳамда ҳисмоний шахслардан иборат шаклланган мижозлар базасига эга бўлган «Алп Жамол банк» чакана банк бизнесига фаол киришди. 2007 йил «Алп Жамол банк» чакана бизнесининг ҳамма йўналишларини фаол ривожлантира бориб хизматлар соҳасини кенгайтиришга, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга, шарт-шароитларини оптималлаштиришга алоҳида эътибор берди.

Банк ривожланиш режасига мувофиқ ҳисмоний шахсларнинг муддатли маблағларини жалб этиш, оммавий истеъмолни кредитлаш бозорига кириб бориш, тўлов карталаридан фойдаланишга асосланган маҳсулотлар доирасини кенгайтириш вазибаларини ҳал қилди.



Мижозларга хизмат кўрсатиш шарт-шароитларини яхшилаш учун банк филиалларида қўшимча хизмат кўрсатиш пунктлари ташкил этилди.

Бундан ташқари, «Алп Жамол банк» ўз мижозларига ҳисобварақ очган ҳолда ва очмасдан халқаро пул жўнатиш бўйича тўловлар қабул қилиш, Visa ва MasterCard халқаро пластик карталари бўйича, American Express йўл чеклари бўйича тўловлар қабул қилиш соҳасида юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиб келмоқда.

Оптимал тарифлар, мижозларни оператив тарзда қўллаб-қувватлаш, молиявий операцияларни жуда қисқа муддатларда амалга ошириш ҳозирги вақтда пойтахтда ҳам, Ўзбекистон минтақаларида ҳам «Алп Жамол банк» хизматларидан фойдаланаётган мижозлар сони ўсиб боришини таъминланмоқда.

Молиявий хизматлар бозорининг эҳтиёжларини таъминлаш учун илгари мавжуд бўлганларига қўшимча ўлароқ янги Чилонзор филиали ва республиканинг турли минтақаларида 8 та минибанк очилди. Истеъмол ва ипотека кредитини, банklararo тўлов тизимларини, халқаро пўл жўнатиш тизимларини ташкил этишда янги воситалар ўзлаштирилди.

ЖАДАЛ ҲАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ҳозирги вақтда банк маҳсулотларининг асосий қисми мижозларга фақат энг замонавий тизимлардан фойдаланган ҳолда кўрсатилиши мумкин. Бизнес тўхтовсиз ўсаётган шароитда «Алп Жамол банк» технология ва ахборотни комплекс ривожлантиришга қаратилган тадбирларни изчиллик билан амалга оширди.

Банкда фойдаланилаётган технология муттасил такомиллаштириб борилади ва банк мижозларининг истакларини инобатга олиб, янгиликларни қўллаш имкониятлари ишлаб чиқилди. Банк ахборот тизимининг коммуникация муҳити ривожланиб борди. Ҳозирги вақтда банкнинг ҳамма филиаллари ва узоқдаги бўлинмалари юқори тезликда ишлайдиган алоқа каналларига уланган бўлиб, бу ҳол операцияларни реал вақт режимида акс эттириш, амалга ошириш ва улар устидан назорат қилиш имконини берди.

Банкда муваффақиятли ишлаб турган «Банк-мижоз», «Телебанк», «SMS-BANKING» дастурий мажмуалари мижозлар учун қўшимча қулайлик туғдирмоқда.

ЯНГИ МАҚСАДЛАР САРИ

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, банк акциядорлари томонидан унинг олдига қўйилган ҳамма асосий вазибалар муваффақиятли бажарилди, жуда катта салоҳият тўпланди. Бундай салоҳият Ўзбекистон Республикасининг молия бозоридан ва халқаро молия бозорларидан «Алп Жамол банк»

нинг бундан буён ҳам самарали ривожланишига ишонч туғдиради.

Ўзбекистон кредит муассасалари ўртасида рақобат кучайиб бормоқда «Алп Жамол банк» олдига 2008 йилда Ўзбекистон банк хизматлари бозоридан ўзининг бозор улусини кўпайтириш мақсадида фаол сиёсат юритиш, шунингдек янги географик ва мижозлар бозорини эгаллаш вазибаси қўйилди.

Ушбу мақсадга эришиш йўлида «Алп Жамол банк» қуйидаги асосий вазибаларни ҳал қилишни режалаштирмоқда: — «Алп Жамол банк» активлари ўсиш суръатининг активларнинг бозор бўйича ўртача ўсиш суръатидан илдам боришини таъминлаш сиёсатини ўтказиш;

— банк ҳисоб-китоб кредит операцияларининг сифатини яхшилаш ва минтақаларда банкнинг иш олиб боришини кенгайтириш воситасида Тошкент шаҳрида ҳам, бошқа минтақаларда ҳам бу операциялар ҳажминини ошириш;

— бизнесни янада ривожлантиришнинг зарур омили сифатида банк сармоясини ўстириш;

— янги қўшимча офислар, ихтисослаштирилган кассалар, пул жўнатиш пунктлари, валюта алмаштириш шохобчалари очиш, терминаллар тармоғини кенгайтириш йўли билан банкнинг тижорат тармоғини ривожлантириш;

— кўрсатилаётган хизматлар ҳажминини ошириб ва хусусий мижозларга мўлжалланган янги банк маҳсулотларини жорий эта бориб, чакана хизматлар бозоридagi банк улусини ошириш;

— оммавий мижозларга хизмат кўрсатишнинг замонавий рақобатбардош технологияларини жорий этиш.

Лайло АЗИЗОВА ёзиб олди.

ОМОНАТ ВА САРМОЯ

Аҳоли учун махсус саҳифа

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ДЕПОЗИТЛАРИ БЎЙИЧА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ТОМОНИДАН ТАКЛИФ ҚИЛИНАЁТГАН ФОИЗ СТАВКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ 2008 йил 1 январ ҳолатига

Омонат (депозит) номи	Муддати	Йиллик фоизи	Бошланғич бадал	Эслатма
ТИФ Миллий банки				
Пластик карточка		14	150	Фонизлар ҳар ойда капитализацияни ҳисобга олган ҳолда берилади.
«Келажак»*	5 йил	18	1000	16 ёшгача бўлган болаларга очилади.
«НБУ Классико»*	6 ой	18	10000	Фонизлар ҳар 3 ойда тўлаб борилади.
«Ният»		4,5		Автомобил қийматининг 50%ни қўйлади.
«Мақсад»*	2 йил	16-19	250000	Биринчи йили 16%, иккинчи йили 19%. Фонизлар ҳар ойда тўланади.
«Омонлиқ»*	6 ой	16	50000	Фониз қўйилган кунда (аванс) берилади.
«Омадлиқ»*	2 йил	16	100000	
«Имкон»*	15 йил			Уй-жой куриши ва харид қилиш учун мўлжалланган омонат тури.
«Кўпайсиш»*	1 йил	17	200000	
Пахта Банк				
Муддатли	6 ой	16	50000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Муддатли	1 йил	16	50000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
Муддатли	3 йил	18	50000	Фонизлар бир йилдан сўнг берилади.
Муддатли	5 йил	18	50000	Олинмаган фонизлар асосий суммасига қўшиб борилади.
«Фаровонлиқ»*	3-6 ой	16-18	5000	Фонизни ҳар ойда олиш мумкин.
«Ок олтин»*	6 ой	18	2000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди ва маблағ қўйилган кундан бошлаб ҳар ой учун омонатчиларга берилади. Маблағлар нақд пулда қабул қилинади.
«Пахтакор»*	3 ой	16	1000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади, маблағлар нақд ва нақд пулсиз қабул қилинади.
«Барака»*	3, 6, 9 ой ва 1 йил	12-14-16-18	20000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди, аванс тариқасида (олдиндан) ёки босқичма-босқич омонатчиларга берилади.
«Баҳор»*	9 ой	18	20000	
«Даромад»*	1,3,6 ой, 1 йил	24	100000	
«Капитал»*	6 ой	24	100000	
«Совга»*	1-12 ой	22	50000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Сармоя»*	1-12 ой	24	50000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Омад»*	3 ой	18	50000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Муқофот»*	1-2-3 ой	25	100000	Фонизлар бўнақ тариқасида олдиндан тўлаб борилади.
«Манфаат»*	3 ой	24	100000	Олинмаган фонизлар асосий суммасига қўшиб борилади.
«Саховат»*	1 йил	18	20000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар ойда омонатчиларга берилади.
«Талаба»**	1 йил	18	5000	Талабалиқ гувоҳномаси кўрсатишган ҳолда очилади. Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Навниҳол»**	1 йил	14	1000	16 ёшдан 25 ёшгача қўйилган маблағ олинмаган муддатида 50000 сўмга етса 10% қўшиб ҳисобланади.
«Ҳосил»**	6 ой	26	10000	Қишлоқ хўжалигида бевосита меҳнат қилаётган меҳнатқашлар учун мўлжалланган.
«Ҳимоя»**	6 ой	18	50000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Болалар келажгимиз»**	1-5 йил	12-18	10000	Фонизлар асосий суммага қўшилмайди ва ҳар 3 ойда омонатчиларга берилади.
«Манший тўлов»**	2 йил	18	коммунал ва бошқа тўлов	Маблағлар нақд пулда қабул қилинади. Фонизлар ҳар ойда коммунал тўловларга ўтказиб борилади.
«Истеъмол омонати»*	2 йил	10		Омонатнинг миқдори «истеъмол кредит»ига олинаётган истеъмол молларининг 30% миқдорига.
Пластик карточка		14		Ҳисобланган фонизлар ҳар ойда омонатчиларга берилади.
Ўзсаноатқурилиш банки				
«Мақсадли болалар омонати»**	10 йил	22	100	
«Сюрприз»***		8	100	Йилига 2 марта ўйини ўтказилади.
«Саховат»**	3 ой	30	50000	Фонизлар ҳар ойда тўланади, қўшимча маблағ қабул қилинмайди.
«Манший хизмат тўловига»*	2 йил	22		
«КВ-1»*	1 ой	18		
«Сармоя»**	9 ой	20	50000	Капитализация билан.
«Ипотека»**		1	5000	
«Фойдали»**	6 ой	24	100000	Қўшимча маблағ қабул қилинади.
«Шодиева»*	3 ой	24	100000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

* муддатли, ** жамғарма, *** ютуқли.

«Кўклам»*	2 ой	22	100000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Капитал плус»*	6 ой	24-26,82	50000	
«Ғаройиб»*	1 ой	20	100000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Такдим этувчига»*	4 ой	22	100000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Ажойиб»*	3 ой	18,33	100000	Фонизлар ҳар ойда олинади.
«Танлов»*	6 ой	18-19,55	50000	Капитализация билан.
«Саломатлиқ»*	3 ой	18	100000	Капитализациясиз.
«Тезкор»*	1 ой-1 йил	18,25	1000000	Қўшимча маблағ қабул қилинади.
Visa Electron Пластик карточка		16		
Visa Classic Пластик карточка		24		
Микрокредитбанк				
«Сихат-саломатлиқ»*	1 йил	18	1000000	Фонизлар ҳар чоракда берилади.
«Орзу»*	3 ой	18	50000	Уч ойдан кам бўлмаган муддатга.
«Она юрт»*	3 ой	18	150000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Истеъмол жамғармаси»*			150000	Истеъмол кредити фонизини сўндириш мақсадидаги омонат.
«Тежамкор-коммуналчи»*	2 йил	18		Фонизлар фақат коммунал тўловларга ўтказиб берилади.
«Ҳомий»*	4 ой	18	200000	Фонизлар омонатчининг хоҳишига кўра ҳар ойда тўлаб борилади.
«Шифокор»*	5 ой	18	200000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Мучал тўйи»*	3 ой	18	200000	Фонизлар омонатчининг мучал ойда тўлаб борилади.
Махсус «Меҳрибонлик»*	1-15 йилгача	20	10000	«Меҳрибонлик» уйда тарбияланаётган болалар номига очилади.
Махсус «Мададкор»*	3 ой	20	50000	Капитализациясиз билан фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Баҳор неъмат»*	3 ой	6-25-26	100000	1 ой учун 6%, 2 ой учун 25%, 3 ой учун 26% ҳисобланади.
«Муддатли мақсадли»*	1 йил	18		Фонизлар ойма-ой ҳисобланиб борилади.
«Омад»*	4 ой	18	150000	Фониз тўловлари олдиндан тўланади.
«Нуроний»*	1 йил	18		Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Кумуш тола»*	2 ой	19	50000	Омонатчининг хоҳишига кўра фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Мафтункор»*	15 кун	24	50000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Хотира»*	9 ой	20	50000	Омонатчининг хоҳишига кўра фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Фаровонлиқ»*	1, 3, 6, 9, 12, 15 ой	30	50000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади.
«Нурафшон»*	45 кун	24	50000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Камалак»*	6 ой	20	50000	Фонизлар ҳар ойда тўлаб борилади. (Капитализация қилинади).
Сандогарбанк				
«Номи кўрсатилмаган»*	1 ой	18	100000	Фонизлар омонат муддати тугагандан сўнг берилади.
«Олтин куз»*	3 ой	25	200000	Фонизлар ҳар ойда берилади.
«Антика»*	6 ой	25	500000	Фонизлар ҳар ойда берилади.
«Ок олтин»*	30 кун	25	50000	Фониз муддати тугагандан сўнг берилади.
«Янги йил совғаси»*	1 йил	26	500000	Фонизлар ҳар ойда берилади.
«Автожамғарма»*	3 йил	18		
«Фаровон хаёт»	Пластик карточка	16		
Ғаллабанк				
«Саломатлиқ»*	11 ой	16,6	10000	Ойига 1,4 фониз устама ҳисобланади. Саёҳатга чиқиш ва саломатлиқни тиклаш учун сарфланади.
«Нафақа мададкор»*	1 йил	15,1	10000	Омонат фақат нафақахўрларга очилади ва ҳар ойда 1,3 фониз устама берилади.
«Ishonch»*	3 ой - 3 йил	15,1-17,1	10000-5000000	Тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,1%дан 17,1%гача устама тўлашга келишилади.
«Luks»*	3 ой - 3 йил	15,6-17,6	5000000-10000000	Тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 15,6%дан 17,6%гача устама тўлашга келишилади.
«Bayram»*	3 ой	26	100000	фонизлар ҳар ойда тўланади.
«Qomus»*	2 ой	28,0	100000	-/-
«Umid»*	15 ой	25	100000	-/-
«Коммунал омонати»*	3 ой	18	100000	
«Kafolat»*	3 ой - 3 йил	16,1-18	5000000 - 10000000	Тегишли шкала ва ўзаро тузиладиган шартномага биноан 16,1% дан 18% гача устама тўлашга келишилади.
«Меҳриғи»**	18 йил	14	10000	Капитализациясиз 18 ёшга тўлганда берилади. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари номига хомийлик асосида махсус очилади.
Пластик карточка	Талаб қилиб олинганча	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорига	1000	Фонизлар қулиқ ҳисобланади, ой охирида капитализация қилинади.
«Kelajak»**	16 йил	МБ қайта молиялаш ставкаси миқдорига	10000	МБнинг қайта молиялаш ставкаси миқдорига бир йилда бир марта молия йили якунида тўланади.
Ғурур банк				
18 ёшгача болалар**	5 йил	16	1000	Фониз 18 ёшга тўлгандан сўнг тўланади.



ЦЕМЕНТ ЭКСПОРТИДА ТАРКИБИЙ ҲАВВАРИШЛАР

2007 йил январдан декабр ўрталарига қадар биржа савдолари орқали 140 минг тоннадан кўпроқ цемент экспортга сотилди, бу эса 2006 йилнинг шу давридагига қараганда 4,5 баробар кўпдир.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган цементни экспортга етказиб бериш таркиби ушбу бозорда янги йирик ўйинчига эга бўлиш учун барча имкониятларга эга. Россия Федерациясида цементга талаб ошганлиги Россия компанияларини ўзининг қурилиш қувватларини цемент билан таъминлаш учун қўшимча манбалар излашга мажбур қилмоқда.

Чунончи, ўтган йил ноябр ойида ЎзРТХБ орқали дастлабки йирик партия (1000 тонна) Бошқирдистонга сотилди.

Трейдерлар ва мамлакатимиз цемент заводлари вакиллари сўзларига қараганда, ҳозирги пайтда Россия қурилиш

компанияларидан цемент етказиб беришга буюртмалар кам учрайдиган ҳол бўлмай қолди, бундан ташқари буюртмалар борган сари кўп ҳажмларда қайд этилмоқда.

Биржа цемент экспорти бозорининг конъюнктурасига келсак, у кўпроқ цемент истеъмол қилувчилар учун ижобийдир. Бозори чакқон ПЦ 400 Д-20 цементининг баҳоси қурилиш бозорида мавсумий ўзгаришлар оқибатида изчиллик билан пасайиб бормоқда. Июл ойидаги энг юқори кўрсаткич (тонна-сига 150 АҚШ доллари)дан кейин нархлар анча пасайиб 96-97 долларига тушди ва секин-аста пасайиб боришда давом этмоқда.

БИРЖА БОЗОРИДА ЯНГИ МАҲСУЛОТ

Ўз маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотиш учун биржа механизмидан фойдаланишнинг самарали эканлиги борган сари кўпроқ корхоналарни биржа бозорига жалб этмоқда. Шу билан бирга биржа бозорига савдога қўйиладиган товарлар номенклатураси изчил кенгайиб бораётганлиги сўнгги вақтда углеводородларни қайта ишлаш тармоғи корхоналари орасида айниқса сезиларли бўлмоқда.

Хусусан, ўтган йил май ойида улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг шусиз ҳам катта рўйхати турли хил техник олтингурут етказиб бериш ҳақидаги бир қатор биржа контрактлари билан кенгайди. Шўртан ГKM донадор олтингурутни, Фарғона нефтни ҳайдаш заводи эса, майдаланган олтингурутни сотишга таклиф қилмоқда. Дарвоқе, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ушбу маҳсулотнинг 120 тоннасини ЎзРТХБнинг валюта савдо майдончаси орқали экспортга 7,8 минг

АҚШ долларига сотган биринчи завод бўлди.

Декабр ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳам техник олтингурут таклиф эта бошлади. Заводнинг биржада сотадиган маҳсулоти бундан аввал суюлтирилган газдангина иборат эди. Биринчи биржа савдолари жараёнидаёқ Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи 6540 тонна олтингурутни 1 тонна-сига ўртача 39 минг сўм нархда сотди.

СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ САВДОЛАРИ


Охири йиллар мобайнида республиканинг ёқилги балансида суюлтирилган газ улуши изчиллик билан кўпайиб бормоқда. Умумий ижобий динамикага қарамай, айнан ўтган 2007 йил бозорнинг ушбу сегменти ривожланиши учун чинакамга муҳим йил бўлди.

2007 йил бошларида ҳукумат Дастури қабул қилинган бўлиб у ушбу бозор инфратузилмасини 2012 йилгача бўлган давргача ривожлантириш стратегиясини белгилаб берди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, суюлтирилган ва сикилган газда ишлайдиган республика автопаркларининг улушини ҳозирги ўн фоиздан 16-17 фоизгача ошириш учун шароит яратиш назарда тутилмоқда.

Давлат ва «Ўзбекнефтегаз» МХКнинг оқилона инвестиция сиёсати туфайли Дастур қабул қилинган пайтгача республикада газни қайта ишловчи корхоналарнинг қудратли индустриал тармоғи яратилди. Бу корхоналар ҳозирги кунда бошқа маҳсулотлардан ташқари 200 минг тоннада кўпроқ пропан-бутан аралашма-

циялари сонини кўпайтириш бўйича фаол иш олиб борилмоқда. Бундай станциялар сони 2012 йилгача ҳозирги 300 дан 950 донага етиши керак. Суюлтирилган газнинг жаҳон нархлари ўсишига қарамай, унинг ички нархлари жаҳон нархларидан анча паст бўлиб қолмоқда ва бу ҳол бутун ички автоёқилги бозорини қаттиқ қўллаб-қувватламоқда. Республикада анча узоқ вақтдан бери газ ва бензиннинг чакана нархлари даражаларидаги ижобий фарқ мамлакатда газда ишлайдиган мотор ёнилғиси истеъмол базаси ҳамда чакана ёқилги қуйиш инфратузилмаси фаол ўсиб бораётганлиги ҳамда ички бозорда ёқилги етарли миқдорда сотишга таклиф қилинаётганлигини кўрсатади.

ЎзРТХБ да суюлтирилган газ сотиш ҳажмининг динамикаси



сина ишлаб чиқаришга, ушбу кўрсаткич бўйича 2010 йилда 638 минг тонна даражасига чиқишга қодир.

Экспортлар баҳолашича, ички бозорда автоёқилги сифатида фойдаланиладиган суюлтирилган газ улуши охириги уч йил ичида газ ишлаб чиқариш ҳажмининг 60-70 фоизгача ўсди, суюлтирилган газда ишлайдиган машиналар сони 120-140 минг донага етди. Шу билан бирга энгил автотранспортга газ балонли усуналарни (ГБУ) ўрнатиш жараёни гарчи ҳозирча 2004/2005 йиллардаги рекорд кўрсаткичга тенглаша олмас-да, шунга қарамай яна тезлашиб бормоқда.

Мутахассислар фикрича, республикада ГБУ сотишнинг ўсиши 2008 йилда ижобий тамойилни сақлаб қолади, шу жумладан мамлакатда хусусий автомобилларни газ билан таъминлаш стан-

Шу билан бирга, бозорда газнинг етарли миқдорда мавжуд бўлиши унинг шубҳасиз мувозанатлигининг гарови бўла олмайди. Ёқилгининг объектив, бозор нархлари шаклланишини таъминлаш имконини берадиган механизм керак. Республикада 2004 йилдан бири ЎзРТХБда суюлтирилган газ билан савдо қилиш ана шундай механизм вазифасини ўтаб келмоқда.

2007 йил суюлтирилган газ биржа бозори учун, аслини олганда, нархлар динамикасига субъектив омиллар, хусусан биржа трейдерларининг салбий кутиши таъсир этишини истисно қилиш имконини берган давр бўлди. Биржа бозорида ўтган йили газ таклиф қилиш ҳажми on-line талаб даражасидан устун бўлганлиги туфайли нарх трейдинги олдинги йилга қараганда томомила осойишта хусусиятга эга бўлди.

• Жаҳон бозорлари



КАВШАРЛАШ ДУНЁСИДА СЕНСАЦИЯ

Пайвандлаш ва кавшарлаш учун юқори технологик қотишмалар ишлаб чиқариш соҳасида дунё бўйича етакчи компаниялардан бири Япониянинг Nippon Superior компанияси ўзининг янги маҳсулоти бўлмиш SN100C шу йил бошларидаёқ бозорга чиқишини маълум қилди. SN100C қалай, мис, никел ва германий қотишмасидир. Бу янги ноёб материал таркибида кўрғошин йўқ бўлиб, ҳозирнинг ўзидаёқ бутун дунё электрон индустрия вакиллари орасида жуда катта қизиқиш уйғотди. Nippon Superior бошқа металлларни қўллаган ҳолда кўрғошинсиз қотишмалар яратишга қаратилган ўз тадқиқотларини давом эттиришни режалаштирмоқда.

АВВАЛГИ ТАМОЙИЛЛАР САҚЛАНИБ ҚОЛМОҚДА

Германиянинг омихта ем саноатида корхоналар сонини камайтириш ва уларнинг қувватини ошириш тамойили сақланиб қолмоқда. Германиянинг дон харид қилиш бўйича Қишлоқ ҳўжалиги агентлиги (BLE) маълумотларига қараганда 2006/2007 йилларда Германияда 352 та омихта ем ишлаб чиқарадиган корхона бўлган. Жанубий минтақаларда 82 та корхона, шарқий минтақаларда 70 та (2005/2006 йиллардагидан 4 та кам), Шимолий минтақалар-

да 200 та (-5) корхона бор. 1995/1996 йилларда Германияда 568 та омихта ем заводи ишлаган.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари, аксинча, ошиб бормоқда. Корхоналарнинг ўртача қувватлари йилига 3 минг 466 тоннага ўсиб, 58 минг 777 тоннага етган. Германия омихта ем заводларининг умумий қуввати бир йил аввалдагига қараганда 0,7 млн. тонна кўпайиб, 20,7 млн. тонна ташкил қилган.

ЧИЛИ ҲАЗ МАВҚЕИНИ ҚЎЛДАН БЕРМОҚДА

Яқин йигирма йил ичида кон саноати билан боғлиқ лойиҳаларга 17 млрд. АҚШ доллари миқдорига инвестициялар киритишни кўзда тутадиган «кон саноатининг иккинчи юксалиши» Чилига мис қазиб олиш даражаси бўйича жаҳон бозорида шубҳасиз етакчи бўлиш имконини бермайди.

Тахминларга кўра, 2016 йилда Чили дунё бўйича миснинг илгари мўлжалланган 35,2 фоизи ўрнига кўли билан 29 фоизини ишлаб чиқаради. Дунё бўйича мис ишлаб чиқариш яқин йилларда ҳозирги 17 млн. тоннадан 25 млн. тоннага кўтарилиши ҳисобга олинса, бу жуда катта пасайиш бўлади.

Шунга қарамай, бу вақт ичида Чили худудида янги конлар қазилади. Лекин уларнинг сони бугунгичалик кўп бўлмай-

ди. Ҳозир мамлакат янги бошланаётган мис лойиҳалари сони бўйича (16 фоиз) бошқа ишлаб чиқарувчилар орасида етакчилик қилмоқда.

Миснинг жаҳон нархларига тўхталадиган бўлсак, айтиш керакки, ушбу хом ашё нархи, мана олти йилдирки, мунтазам ўсиб бормоқда. Бунга «қизил металл»га жаҳон ишлаб чиқарувчилари томонидан талабнинг юқорилиги сабаб бўлмоқда. Чунончи, 2007 йилда миснинг нархи 5,9 фоизга ўсди (кейинги олти йил ичидаги энг паст кўрсаткич). 2008 йилнинг биринчи ҳафтаси якунларига кўра эса, ушбу металл 2,8 фоизга қимматлашди ва бир тоннаси 6910 АҚШ долларига тенг бўлди. Ҳафта охирида миснинг нисбатан арзонлашуви кузатилди.

МЕТАЛЛАР БОЗОРИ ТАМОЙИЛЛАРИ

Barclays Capital таҳлилчилари 2008 йилда мис ва қалай бўйича таклифнинг камайиши ва нархларнинг ўсишини тахмин қилмоқдалар. Мутахассисларнинг фикрича, кўрғошин тақчиллиги айниқса сезиларли бўлади. «Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши, ушбу металллар биржа захираларининг камлиги узоқ истиқболда улар нархларининг юқори бўлишидан далолат қилади», дейилади Barclays Capital шарҳида. Шу билан бирга, кўрғошин, никель ва алюминий, тахминларга кўра, катта ҳажмларда таклиф қилинади. Фақат 2008 йилнинг иккинчи ярмида алюминий таклифининг бироз қисқариши кузатилади.

ХАЛҚАРО ТЎЛОВ ТИЗИМЛАРИНИНГ МУКОФОТ МАҲСУЛОТЛАРИ

Тўлов тизимларининг Европа бозори статистикасига асосан умумлаштирилган ахборотига кўра, чакана банкнинг кредит карточкалари портфелида мукофот маҳсулотлари 30 фоизни ташкил қилади.

Шуларнинг 10 фоизи «Platinum», 1-5 фоизи «TOP», қолганлари эса «Gold» тоифасидаги карточкалардир. Бунда, Gold картасининг соҳиби карта ёрдамида Classic картаси эгасига қараганда уч барабар кўп суммада харид ҳақини тўлайди; Platinum эгаси эса беш барабар кўп суммада харид ҳақини тўлайди. Шунингдек, тўлов тизимлари транзакция фаоллигини мониторинг қилишдан фойдаланишни тавсия этадилар: савдо-сервис корхоналари операцияларининг суммаси ва фаолият тури карта эгасининг одатлари ва турмуш тарзи ҳақида, қарзлар ўз вақтида тўланиши эса – унинг феъл-атвори ҳақида кўп маълумот бериши мумкин. Амалда кўпинча мижозлар базаси янги мижозлар ҳисобига ўсиб боради, карта маҳсулотлари уларнинг ўзлари томонидан танланади ва уларнинг тўлов қобилияти билан белгиланади, ҳолбуки, ривожланган мамлакатларда кредит тарихига ёки салмоқли депозитга эга бўлмаган мижозга фақат дебет маҳсулот таклиф қилинади.

VIP-мижозлар базасининг тузилишини расман учта қисмга бўлиш мумкин. Булар, энг аввало банк раҳбарлари ва акциядорларидир. Қоида тариқасида, улар учун махсус «нол» тарифи жорий этилади, шунингдек биринчи чиқарилган карталар уларда «синалади» - булар карталар департаменти учун ҳар доим бош оғриғи ва уйқусизлик келтиради. Улардан кейин даражалар табелида алоҳида VIP-мижозлар, банк мижозлари бўлмиш ташкилотларнинг эгалари ва топ-менежерлари ҳамда банк бизнеси учун аҳамиятли бўлган шахслар туради. Ушбу тоифага хизмат кўрсатиш тарифлари минимал миқдорда, фақат кундалик харажатларни қоплаш учунгина белгиланади.

Ҳамма вақт ҳам сон жиҳатдан кўпчиликни ташкил этавермайдиган навбатдаги тоифа – «кўчадаги» мижозлар, шунингдек йирик омонатчи жисмоний шахслар – катта овердрафт лимитига эга бўлган Classic тоифасидаги карталар эгалари, обрўли мижозлар – жамиятда ҳаммага яхши таниш бўлган ва обрў-эътиборли шахслардир. Уларга банкка даромад келтирадиган «оммавий» тариф таклиф қилинади.

Дунёда энг машҳур тўлов тизимлари – Visa Int. ва MasterCard Worldwide мукофот карталарини эмиссия қилувчи банклар учун тўлов тизимидаги ҳар бир маҳсулотга хос бўлган қўшимча сервисларнинг минимал рўйхатини белгилаб қўяди. Табиийки, карточканинг тоифаси ошиб бориши билан бирга ушбу рўйхат ҳам кенгайди, банк эса, ўз навбатида, бу рўйхатга ўзи ишлаб чиққан хизматларни қўшиши ҳам мумкин.

Gold карталари учун қўшимча функционал сер-

висларнинг минимал тўплами қуйидагилардан иборат:

- ойига 5 минг \$/Евро дан ортиқ бўлган кредит лимити;
- карта йўқотиб/ўғирлатиб қўйилган тақдирда уни тезлик билан алмаштириб бериш, нақд пул бериш ва эски картани бекор қилиш;
- тиббий ва юридик суғурта ёрдами кўрсатиш хизмати;
- сафар ва саёҳатлар ташкил этишга ёрдам бериш хизмати;
- Gold карталари эгаларига чегирмаларни ва алоҳида хизмат кўрсатиш шартларини ўз ичига оладиган махсус таклифлар (MasterCard Premium Collection, VISA World Best Offers);
- stand-in хизматидан фойдаланиш имконияти.

Platinum маҳсулоти учун сервислар тўплами:

- ойига 5-10 минг \$/Евро дан ортиқ бўлган кредит лимити;
- карта йўқотиб/ўғирлатиб қўйилган тақдирда уни тезлик билан алмаштириб бериш, нақд пул бериш ва эски картани бекор қилиш;
- Gold картаси эгалари учун мўлжалланганидан қулайроқ шартлар асосида тиббий ва юридик суғурта ёрдами кўрсатиш хизмати;
- Gold картаси эгалари учун мўлжалланганидан кенгроқ шартлар асосида сафар ва саёҳатлар ташкил этишга ёрдам бериш хизмати;
- фақат Platinum карталари эгалари учун Gold карталари учун мўлжалланган таклифларга қўшимча ўлароқ, чегирмаларни ва махсус хизмат кўрсатиш шартларини ўз ичига оладиган махсус таклифлар;
- мижозларни қўллаб-қувватлаш хизмати;
- Gold картаси бўйича мўлжалланган суммадан кўпроқ суммага stand-in хизматидан фойдаланиш имконияти.

TOP-тоифа маҳсулотлари учун хизматлар тўплами янада кенгроқдир:

- 20 минг АҚШ долларидан ортиқ кредит лимити;
- карта йўқотиб/ўғирлатиб қўйилган тақдирда уни тезлик билан, 24 соат ичида алмаштириб бериш, нақд пул бериш ва эски картани бекор қилиш;
- Platinum картаси эгалари учун мўлжалланганидан қулайроқ шартлар асосида тиббий ва юридик суғурта ёрдами кўрсатиш хизмати;
- сафарларда ҳаётни ва саломатликни суғурталаш;
- консьерж-сервис (сафарлар, тадбирларни ташкил этиш бўйича хизматлар кўрсатади, ҳамма транспорт турларига чипталарга буюртма беради, меҳмонхоналарда хоналарни брон қилади,

автомобилларни ижарага олади, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилишни, совғалар, гуллар, кўнғироқ бўйича маълумотларни етказиб беришни ташкил этади ва ҳоказолар);

- бутун дунё бўйича эксклюзив таклифлар ва махсус хизмат кўрсатиш шартлари;

- тадбирларга чипталарга буюртма бериш ва дам олишни ташкил этиш;

- Platinum картаси бўйича мўлжалланганидан ортиқроқ суммага stand-in хизматидан фойдаланиш имконияти;

- тўлов тизими ва минтақа учун кўпгина бошқа, индивидуал хизматлар.

Юқорида санаб ўтилган минимал талабларга қўшимча ўлароқ ҳар қайси тўлов тизими туризм, суғурта ҳамда саёҳатчилар учун бошқа хизматлар бозоридаги фаолияти билан танилган халқаро шерик компанияларни жалб этган ҳолда ўзи ишлаб чиққан бир қатор хизматларни ҳам таклиф қилади. Тўлов тизимлари томонидан TOP-тоифадаги ўз маҳсулотлари учун таклиф қилинаётган хизматлар пакети ҳаммадан кўп қизиқиш туғдиради, чунки у ушбу соҳадаги таклифларнинг энг яхшиларини максимал даражада қамраб олган. Минимал «тўплам»дан ортиқ бўлган ҳар бир маҳсулотнинг ўзига хос жиҳатларинигина санаб ўтамиз.

Visa Int. ўзининг энг нуфузли Visa Infinite картасига қуйидаги фирма сервисини қўшимча қилади:

- Purchase Protection – Visa Infinite картаси ёрдамида ҳақ тўланган харидни ҳимоя қилиш, харидлар ўғирланган ёки шикастланган тақдирда (кўрсатиб ўтилган сабаблар туфайли) товон тўлаш. Карта эгаси буюм сотиб олинган пайтдан бошлаб 90 кунгача бўлган даврда харид қилинган маҳсулотга шикаст етказилган, у йўқотиб ёки ўғирлатиб қўйилган тақдирда товон пулини олади;

- Extended Warranty – Visa Infinite картаси бўйича ҳақ тўланган товарнинг кафолат муддатини 24 ойгача узайтириш. Кафолат муддатининг узайтирилиши мижоз томонидан ўзининг Visa Infinite карточкаси ёрдамида сотиб олинган товарлар ишлаб чиқарувчи ёки сотувчининг кенг товарлар спектри, асосан маиший электр асбоблар бўйича берадиган кафолатига қўшимча ўлароқ икки барабар узайтирилган кафолат муддатини олишини билдиради;

- Ticket Exchange – тадбирларга чипталар буюртириш. Мижоз ушбу хизматга мурожаат қилиб, ўзини қизиқтирган ҳар қандай тадбирга, масалан театр, концерт, спорт мусобақаси ва шу кабиларга чипта буюртириши мумкин;

- Visa Infinite карталари эгалари учун маълумотлар жамланган махсус Интернет сайти. Бу сайт, Visa маълумот-ахборот хизмати билан, шунингдек, қўшимча хизматлар ва махсус таклифлар бўйича, СЕМЕА минтақаси карта соҳиблари учун қўшимча хизматлар бўйича ҳамда суғурталаш қоидалари ва шарт-шароитлари бўйича телефон орқали маслаҳат бериш хизматлари билан боғланиш имконини беради;

- Weissmann Online порталида саёҳатчилар учун

ахборот берадиган махсус интернет-сайт. Ресурс саёҳатчилар учун объектив ва долзарб ахборот беради ҳамда фикр-мулоҳазалар билдиради: бутун дунё бўйича 470 дан ортиқ туристик йўналишни ўз ичига олади, мамлакатлар, шаҳарлар, минтақалар ва вилоятлар бўйича ахборотни сақлайди. Карта эгасига туристлар ва ишбилармон кишилар учун фойдали ҳамда қизиқарли ахборотдан фойдаланиш ҳисобига борган жойини ҳар томонлама ўрганиш имконини беради.

MasterCard Worldwide тўлов тизими эксклюзив MasterCard World карталари эгаларига Visa билан тенг хизматлардан ташқари қўшимча ҳақ тўламасдан Priority Pass дастуридан фойдаланишни таклиф қилади. Ушбу дастур бутун дунёдаги аэропортларнинг биринчи класс залларига киришни таъминлайди. Priority Pass – 90 та мамлакатнинг 275 та шаҳридаги аэропортларнинг 500 дан ортиқ VIP-залларидан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган дунёдаги энг йирик мустақил дастурдир. VIP-залдан фойдаланиш ҳуқуқи парвоз қайси авиакомпания томонидан амалга оширилаётганлигига, чипта қайси кассадан олинганлиги ва авиакомпанияларнинг бирон-бир дастурларида қатнашишга боғлиқ эмас, ундан иш юзасидан ёки шахсий сафарлар чоғида фойдаланиш мумкин. Карточка эгаси ўзи билан бирга VIP-залга мижозларини, ҳамкасбларини, дўстларини, оила аъзоларини олиб ўтиши мумкин.

American Express ва Diners Club Int. компанияларининг таклифлари алоҳида ўринда туради. Ушбу карта эгаларига кўрсатиладиган сервис компанияларнинг ўзи ёки уларнинг шўъба тузилмалари томонидан таъминланади, бу хизмат карталар функционали ва улар имижининг ажралмас ҳамда биринчи даражали қисмидир. Ушбу компаниялар ташкил этилган пайтдан бошлаб VIP-мижозлар учун махсус «клуб» хизматини кўрсатишга ихтисослашган бўлиб, бутун дунё бўйича ўзларининг ривожланган туристик агентликлари тармоғидан ҳамда бошқа хизмат кўрсатувчилар билан ўнлаб йиллар давомида йўлга қўйилган муносабатлардан фойдаланадилар. Компаниялардан ҳар бири фақат ўзига хос бўлган фазилатларга эга бўлиб, бу фазилатлар авайлаб сақланмоқда ва ишонч билан рақобатлашиш имконини бермоқда.

Diners Club (DC) картасининг эгаси туркум хизматлардан фойдаланиш имконига эга бўлади. Булар қуйидагилардир:

- дунёдаги, шу жумладан Москва ва Санкт-Петербургдаги энг йирик аэропортларда ва бизнес-марказларда жойлашган биринчи класс салонларга; бутун дунё аэропортларидаги Diners Club салонларига бепул кириш;

- Fast tract – аэропортга ва (ёки) аэропортдан ўзи танлаган автомобилда бориш (бу хизматлар Россияда кўрсатилади);

- Diners Club Travel компанияси сафарлар ташкил этиб, мижознинг ҳар қандай транспорт турига истаган тоифадаги чипталарни брон қилиш, меҳмонхоналарни брон қилиш, борган

жойида кутиб олишни ташкил этиш билан боғлиқ бўлган ва бошқа шахсий талабларини бажаради;

- барча машхур халқаро меҳмонхоналар тармоқларида чегирмалар бериш ва алоҳида шартлар асосида хизмат кўрсатиш;

- DC картаси истаган русумли машинани бўнаксиз ижарага олиш имконини беради;

- DC эгасини ва у билан бирга саёҳатга чиққан қариндошларини чет элга, Россия ва МДХ мамлакатлари бўйлаб сафарларда суғурталаш. Суғурта дастурлари тиббий харажатлар учун 150 минг АҚШ долларигача суғурта қопламаларининг кенг рўйхатини назарда тутати ва карта эгаси билан бирга саёҳатга чиққан оила аъзоларига ҳам тааллуқли бўлади, шунингдек фуқаролик жавобгарлиги вужудга келган тақдирда адвокат билан таъминлаш ва гаров пулини тўлашни назарда тутати;

- Club Rewardнинг ҳар бир мамлакат учун алоҳида шартлар асосидаги бонус дастурлари. Бонуслар карта бўйича сарфланган ҳар бир доллар учун ёки авиачипталар ҳақи картадан тўланганида, парвознинг ҳар бир миляси учун бериладиган баллардан иборат бўлиши мумкин. Биринчи ҳолатда балларни каталогда кўрсатилган бир шиша вино ёки русум бўлган аксессуар каби майда-чуйда ёқимли нарсаларга сарфлаш мумкин. Милляр кейинчалик авиачипталар ҳақини тўлаш вақтида чегирма бўлади ёки салон классини ошириш имконини беради;

- карта эгасини борган мамлакатда ахборот билан таъминлаш. Diners Club Int. нинг сервис тармоғи дунёдаги 200 дан ортиқ мамлакатни қамраб олган бўлиб, карта эгаси қаерда бўлишидан қатъи назар, унга Diners Club Int. нинг маҳаллий бўлими хизмат кўрсатади;

- клуб журналига бепул обуна бўлиш.

Истеъмомчи учун қизиқарли бўлган ва пировардида унинг томонидан талаб қилинадиган мукофот класссидаги карта маҳсулотини яратиш масаласига тамомила ижодий ёндашиш зарур. Бир томондан, маҳсулот мижоз томонидан таниладиган ва унинг эҳтиёжларини қондирадиган бўлиши керак, иккинчи томондан, маҳсулотнинг жозибадорлиги ва рақобатбардошлиги унинг ноёблигига боғлиқ. Маҳсулот таниладиган бўлиши учун стандарт дизайнли пластикни тайёрлаш ҳамда функционалга қўйилладиган минимал талабларни таъминлаш кифоя бўлса, унга индивидуал хусусиятлар бахш этиш учун илҳом талаб қилинади.

Ҳамма банклар ҳам картанинг таннархини камайтиришга ҳаракат қилиб, унинг дизайнига етарли эътибор бермайдилар, лекин бунда карта банкнинг қиёфаси эканлигини унутиб қўядилар. Visa Int. ва MasterCard Worldwide мукофот маҳсулотлари учун ҳар хил стандарт тайёр эскизларни таклиф қилади, лекин, масалан, Visa Infinite банк ўзи яратган дизайндаги картани чиқаришга ҳақли. Бироқ, ҳатто стандарт дизайнга ҳам ностандарт ёндашувни қўллаш мумкин. Ишлаб чиқарувчи замонавий технологиялар ва материаллардан фойдаланиб, ўз хусусияти би-

лан ажралиб турадиган ва эсда қоладиган бир қатор карточкаларни тайёрлаши мумкин: у шаффоф ёки рангли пластикдан, голографик зарқоздан, ҳажм эффектини ҳосил қиладиган, кўриш бурчагига қараб рангини ўзгартирадиган, карталарга сезилиш, товланиш, муаттарлик хоссаларини бахш этадиган ва ҳоказо махсус плёнка ва бўёқлардан фойдаланиши мумкин.

Мижозга карталар, пин-кодли хатжилдлар, мукофот карточкаси тўпламига кирадиган хизмат кўрсатиш шартномалари, ахборот материаллар, шахсий менежернинг ташриф қоғози ва бошқалар қандай кўринишда топширилиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мана шу тўпламлар солинган пакет Welcome package деб аталади, у истаган шаклда бажарилиши ва истаган тарзда безатилиши мумкин, аммо карта эгасига зарур ҳолларда керакли ахборотни бир жойдан топишга ёрдам бериши керак. Welcome packageнинг классик варианты махсус катакларида тўпламга кирган буюмлар жойлаштириладиган папкадан иборат. Тўпламга банк логотипи туширилган эсдалик совғаси: фирма авторучкаси, калькулятор ва бошқалар қўшиб берилиши мумкин. Шунинг эсда тутиш муҳимки, тўпламга кирган ҳамма нарсалар – авторучкадан тортиб то матбаа маҳсулотигача – картанинг мақомига мос бўлиши ва энг юқори сифат талабларига жавоб бериши керак.

VIP-мижозлар учун қўллаб-қувватлаш хизмати биринчи кўнғироқданоқ уланиши керак: гўшакдан эшитиладиган қисқа-қисқа товушлар ишбилармон кишининг гашига тегади. Махсус «чиройли» рақам ҳамда ҳозиржавоб оператор маълумотномалар хизматининг жавоб автоматларига нисбатан бирдан-бир муқобил вариантдир. Сафар чоғида ноутбукни қўлидан қўймайдиган сайёҳларнинг кўпчилиги электрон почта орқали савол бериш (ва дарҳол жавоб олиш!) имкониятини маъқул кўради. Шундай экан, агар консерватив кайфиятдаги мижозлардан бехосдан кабутар почтаси ҳақидаги сўзларни эшитсангиз, ажабланманг...

Тўлов тизимлари томонидан вакил компаниялар орқали сотишга таклиф қилинаётган қўшимча хизматларнинг кучли томонлари ҳам, заиф томонлари ҳам бор. Тил муаммоси сервиснинг ҳамма фазилатларини йўқ қилиб юбориши мумкин. Меҳмонхоналарни брон қилиш ва ижарага автомашина олиш бўйича махсус таклифлар ҳар турли имтиёзларга эга бўлиш ва маблағ тежаш, жумладан, меҳмонхоналардаги хоналарнинг классини ошириш, совғалар ва ресторанлардаги бепул овқатлар, хизмат бўйича катта чегирмалар ва шу каби катта имкониятлари билан ўзига ром қилади.

Мана шу ва бошқа сабабларга кўра кўпгина банклар тўлов тизимларининг сервисига муқобил ёки қўшимча тарзида суғурта ва туристик компанияларнинг хизматларини таклиф қилмоқда. Хориж сафарлари вақтида ҳаётни ҳамда саломатликни суғурталаш хизматларига талаб ҳаммадан катта бўлмоқда.

Агар суғурта полиси бўлса, сафарни ташкил

этаётган туристик агентликдан қўшимча суғуртани сотиб олишга зарурат қолмайди – мавжуд полиснинг ўзида ҳамма суғурта хизматлари таъминлаб қўйилган бўлади. Тиббий ёрдам хизмати томонидан кўрсатилган хизматларнинг баҳосини ҳам мана шу суғурта билан қоплаш мумкин.

Контрагентларнинг таклифларидан ташқари, ҳар қайси банк мижозлар пакетини ўз хизматлари билан максимал даражада тўлдиришга ҳаракат қилади. Банк хизматлари махсус кредитлаш шартларини, индивидуал шартлар асосида омонатлар бўйича таклифларни, sms-ахборот бериш ва интернет-банкнинг сервисини, мижозни қўшимча тарзда қўллаб-қувватлашни (шахсий менежерни), банк мижозлари бўлмиш савдо-сервис корхоналарида чегирмалар беришни, cash back – товар ва хизматлар ҳақини тўлаш операцияси суммасидан фоизларни картанинг ҳисобварағига қайтаришни, муайян даврдаги операциялар бўйича даврий йиғма кўчирмани тақдим этиб, уни мижоз танлаган алоқа канали орқали етказиб беришни, оила аъзоларига имтиёзли шартлар асосида банк карталари беришни ва ҳоказоларни ўз ичига олиши (лекин шунинг ўзи билан чекланмаслиги) мумкин.

Олинган ахборотни яқунлашга ва мижознинг мукофот классигадаги карта маҳсулоти билан қондирилиши мумкин бўлган эҳтиёжларининг тўлатўкис рўйхатини тузишга уриниб кўрамиз:

- рублда, АҚШ долларларида ёки еврода банк картаси ҳисобварағини очиш мумкинлиги;

- банкнинг қарз маблағларидан фойдаланиб, карточка бўйича операциялар ўтказиш;

- товарлар ва хизматларнинг барча тоифалари, шу жумладан МТ/ТТ ва интернет-операциялар ҳақини тўлаш;

- банк банкоматлари, интернет-банкнинг, банк мижозларини қўллаб-қувватлаш хизмати, sms-ахборот бериш орқали тўлов лимитидан фойдаланиш мумкин бўлган сумма ҳақида ахборот олиш;

- банкнинг банкоматлари орқали қўшимча хизматлар (уяли операторлар, УКХ ва бошқаларнинг ҳисобварақлари) бўйича ҳақ тўлаш;

- карта йўқотиб қўйилган тақдирда, тўлов тизимининг махсус хизмати томонидан картани шошилиш равишда алмаштириб бериш;

- махсус ажратилган телефон рақами ёки махсус электрон почта манзили орқали мурожаат қиладиган мижозларга банкнинг сервисни қўллаб-қувватлаш хизмати томонидан туну кун ёрдам бериш;

- карта йўқотиб/ўғирлатиб қўйилган тақдирда махсус тўлов тизими хизмати орқали бир марта нақд пул бериш;

- карта йўқотиб/ўғирлатиб қўйилган тақдирда тўлов тизимининг махсус хизмати ёки банкнинг сервисни қўллаб-қувватлаш хизматига қўнғироқ қилиш йўли билан картани шошилиш равишда бекор қилиш;

- чет элга ва Россияда саёҳат қилган вақтда карта эгасининг ҳаёти ва саломатлигини суғурталаш. Суғуртанинг бошқа турлари (юкнинг йўқо-

лиши, авиарейсларнинг кечикиши, бекор қилиниши ва ҳоказолар);

- вакил компания орқали консъерж-сервис (туристик, тиббий, юридик хизматларга буюртма бериш, дам олишни ташкил этиш ва бошқалар);

- мукофот карталари эгалари учун банкнинг ихтисослаштирилган сайтига (сайт бўлимига) кириш;

- интернет-банкнинг;

- банк тўлов тизимлари билан биргаликда амалга ошираётган махсус мавсумий маркетинг тадбирларида қатнашиш (мижозга унинг ўзи танлаб олган алоқа канали орқали ахборот юбориб, уни шахсан хабардор қилиш);

- савдо-сервис корхоналари, меҳмонхоналар, ресторанлар, театрлар ва бошқаларда карта бўйича ҳақ тўланганида чегирмалар ва махсус таклифлар;

- sms-сервис;

- карта эгаси, шу жумладан унинг оила аъзолари учун бепул ёки имтиёзли шартлар асосида бошқа тоифадаги ва тўлов тизимидаги қўшимча тўлов карталарини чиқариш;

- карта эгасининг аризаси асосида ушбу картанинг кредити бўйича қарзларни тўлаш учун банкда очилган ҳисобварақлардан маблағларни акцептсиз ҳисобдан чиқариш;

- махсус шартлар асосида қўшимча банк хизматлари кўрсатиш: омонатлар, ХИФлар, private banking, сейф катаклари ва бошқалар;

- савдо-сервис корхоналарида ҳисоб-китоб қилганлик учун бонуслар бериш. Харидлар ва хизматлар ҳақини тўлаш учун картадан фойдаланишни рағбатлантириш мақсадида банк савдо-сервис тармоғида амалга оширган ҳақ тўлаш операцияси суммасидан карта эгасининг ҳисобварағига фоизларни қайтариши мумкин. Аслини олганда, банк эквайрер-банкдан оладиган банклараро воситачилик ҳақини мижоз билан бўлишади.

Санаб ўтилганларнинг қайси бири мукофот маҳсулоти саватига кириши лойиҳанинг бюджетига ва кредит ташкилотининг имкониятларига (хизматлари ривожланганлигига) боғлиқ бўлади. Бироқ, шуни унутмаслик керакки, мижоз таклиф қилинаётган сервисдан етарли даражада хабардор бўлган тақдирдагина, барча «қўшимчалардан» тўла-тўкис фойдалана олади. Бу эса банкнинг вазифаси операцияларнинг амалга оширилишини таъминлабгина қолмасдан, шу билан бирга карта эгасига картанинг ҳамма афзалликлари ва имкониятларини маълум қилишдан, карта, кредит ва қўшимча хизматларни ишлашга, пировардида эса фойда келтиришга мажбур қилишдан иборат. Фақат мана шу ҳолдагина, мукофот маҳсулотларни чиқаришга сарфланган катта маблағлар ишлаб чиқувчиларга бериладиган мукофот билан бирга қайтиб келишига умид қилиш мумкин.

Чет эл матбуоти материаллари асосида Ахборот ва статистика бўлими томонидан тайёрланди.

